

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУАММОЛАР

Абдухоликов Камолдин Махаммаджонович

АТБ “Саноатқурилишбанк” Яшнобод филиали ходими

Республикамиз тижорат банклари кредитлаш салоҳиятини ошириш, уларга барқарор кредит ресурсларини жалб қилиш ҳамда кредитларнинг ўсиш динамикаси билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Республикамиз тижорат банкларида кредитлаш фаолияти билан бевосита боғлиқ ва уларнинг кредитлаш салоҳиятини ошириш билан боғлиқ асосий муаммолар қуйидагилар:

1. Республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётининг такомиллашмаганлиги.

Шунингдек, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга кредит хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қуйидаги муаммоларни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур:

- аҳоли айрим тоифасининг тўлов қобилияти пастлиги ва оладиган даромадлар етарли даражада эмаслиги;
- олинган кредитларнинг кўпчилик ҳолатларда мақсадсиз ишлатилиши;
- тижорат банкларида жисмоний шахсларнинг кредит қобилиятини баҳолаш бўйича такомиллашган тизимнинг мавжуд эмаслиги;
- банкларнинг етарли ресурс базасига эга эмаслиги;
- истеъмол кредити объекти сифатида танланган товар ва хизматлар баҳосининг сунъий равишда оширилиши.

2. Республикамиз тижорат банклари кредитлаш амалиётида кредит шаклларида тўлақонли фойдаланилмаётганлиги.

Тижорат банклари фаолиятида кредитлаш шаклларида оптимал фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Чунки, кредитлаш шаклининг тўғри танланиши кредитлаш самарадорлигини оширади, мижоз ва банкнинг кредитлардан маълум даражада наф кўришини таъминлайди.

3. Тижорат банклари кредитларининг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тақсимланишида диверсификация даражасининг пастлиги, яъни мамлакатнинг қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги.

Мамлакатимиз тижорат банклари кредитларининг тармоқлар хусусияти таҳлили шундан далолат берадики, республикамизда банк кредитларининг асосий қисми саноат тармоғига ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса банкларда тармоқ рискени келтириб чиқаради.

4. Республикамиз тижорат банклари ресурс базасининг мустаҳкам эмаслиги ва беқарорлиги.

5. Банкларда мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичларини баҳолаш тизимининг такомиллашмаганлиги.

6. мижозларнинг сезиларли қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги.

7. мижозлар томонидан тақдим қилинаётган бизнес-режаларнинг банклар томонидан чуқур таҳлил этилмаётганлиги ва кредит шартномалари тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги.

8. йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда юқори самара берадиган синдициялашган кредитлардан фойдаланиш амалиётининг такомиллашмаганлиги.

Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки кредит операциялари банк операциялари ичида асосий ўринни эгаллайди. Шундан

келиб чиқиб, банк даромадини асосий қисмини кредит операцияларидан келадиган даромад ташкил этади. Банк кредит портфелини бошқаришни сифатли ташкил этиш кредит рискин камайтиришга хизмат қилади.

Замонавий иссиқхоналарда йирик қарздорликларни йиғилиб қолиши оқибатида ушбу иссиқхоналарнинг газ ва электр-энергия таъминотидан узиб қўйилиши натижасида етиштирилган ҳосилларнинг нобуд бўлиши ва иссиқхоналарнинг талофат кўриш ҳолатлари кузатилди. Бунинг натижасида, замонавий иссиқхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида ажратилган кредитлар бўйича қарздорликларни узоқ муддат давомида қопланмай келиши ҳолатлари вужудга келди.

Дунё сиёсатида юзага келаётган вазиятлар, хусусан Россия ва Украина воқеалари мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан амалга ошириладиган экспорт-импорт савдолари ҳамда транспорт-логистика хизматларига ўзини салбий таъсирини кўрсатди. Жумладан, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш учун инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек давлатлараро транспорт ва логистика хизматларини амалга ошириш мақсадида ажратилган кредитларни ўз вақтида сўндирилишида муаммолар юзага келди.

Шу билан бирга, муаммоли кредитлар таркибини соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, бунда оилавий тадбиркорлик йўналишида берилётган ижтимоий кредитлар 40 фоиз ҳамда тижорат кредитлари 29 фоиз билан асосий улушни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, энг кам улушлар 6 фоиз билан чакана кредитлар ҳамда 9 фоиз билан ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундан кўриниб турибдики, аҳоли учун бериладиган чакана ва ипотека кредитлари самарали кредитлар ҳисобланмоқда.

Умуман олганда, тижорат банклари кредит портфелини бошқаришнинг пировард мақсади ушбу портфелнинг риск, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичларининг оптимал даражасига эришиш ҳисобланади.

Фикримизча, тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқаришда қуйидаги бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарур:

- банк активлари сифати устидан доимий, таъсирчан мониторинг олиб бориш, банк активлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва бартараф этиш механизмини мустаҳкамлаш;
- банкларда активларни кенг диверсификация қилиш, кредит портфелини соғломлаштириш орқали таваккалчиликларни самарали бошқаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб уларга зарур ўзгартиришлар киритиб бориш;
- банк тизимига оид қабул қилинган қарорлар ҳамда кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ижросини ташкил қилиш асосида кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш, ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш;
- муаммоли кредитларни бошқаришнинг янги усулларини шакллантириш;
- активлар сифатини таъминлашни назорат қилиш, бунда кредит портфелида яхши кредитлар улуши 90 фоиздан кам бўлмаслиги, муддати ўтган кредитлар миқдорини минималлаштириш, кредит портфели таркибининг тасдиқланган кредит сиёсатига мослиги (соҳалар, ҳудудлар ва муддати бўйича) каби масалаларни назорат қилиш;
- банк кредит сиёсати ва кредитлаш тамойиллари шартларига риоя этилишини назорат қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобакулов Т.И., Исаков Ж.Я., Абдуллаев У.А., Алимардонов И.М., Абраев Н.К. Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китоблар. Дарслик. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2018 148 б.
2. Пул-кредит сиёсатининг 2020 йил ва 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).
3. www.ung.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки